



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

### ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби фазилатларни қарор топтиришдаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 20 июль — сешанбага тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2021 йил 20 июль куни Қурбон ҳайити байрами этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида

қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”-ги ПФ-6122-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 21—22 июль кунлари ҳам дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон ҳайитини карантин талабларига амал қилган ҳолда халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда

оила даврасида ўтказиш афзаллиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2021 йил 13 июль

Президентимиз томонидан 2021 йил 5 июлда имзоланган янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда диний-маърифий соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг изчил давоми сифатида, виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий устуворликлари, диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари, имтиёзлари ва мажбуриятлари доираси аниқ белгилаб берилган муҳим ҳужжат бўлди.

Жумладан, қонуннинг 10-моддасида диний мазмундаги материаллар, уларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тартиб-қоидалари белгиланди. Ушбу моддага кўра, диний мазмундаги материаллар диний таълимнинг ақидавий асосларини, тарихини, диний таълим мафқурасини ва шарҳларни, турли диний таълимнинг маросимлар ўтказиш амалиётини, шунингдек алоҳида шахсларнинг, тарихий фактлар ва ҳодисаларнинг диний нуқтаи назардан баҳосини акс эттирувчи китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, варақалар, бошқа босма нашрлар, белгилар, предметлар, рамзлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзувлари, мультфильмлар ва бошқалар), электрон ахборот ташувчилардан (дискетлар, CD, DVD дисклари, ўрнатилган ва ечиб олинган хотира карталари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган материаллар ва бошқалар) иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш жамиятда конфессиялараро тотувлик ҳамда диний бағрикенглик бузилишига олиб келадиган, диний зўравонлик ва бошбошдоқликка чорлайдиган гоёлар ҳамда қарашлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида диншунослик экспертизасининг ижобий хулосаси олинганидан кейин амалга оширилади.

Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Мазкур моддада белгиланган чора-тадбирлар гоёт долзарб бўлиб, уларнинг юртимизда динлараро ҳамжиҳатликни, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашда аҳамияти катта.

Айтиш жоизки, диний мазмундаги

материалларнинг диншунослик экспертизасидан ўтказилиши фақатгина мамлакатимиз учун хос эмас, балки бу-

## ЯНГИ ҚОНУН ДИНЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

гунги кунда Марказий Осиё давлатлари, Россия, Озарбайжон, Украина каби кўплаб давлатларда мавжуд. Шу билан бирга, Саудия Арабистони, Мисрда ҳам экстремистик мазмундаги материалларга қонуний тақиқ қўйилган. Ўз навбатида, ҳар бир давлат ўз шароити ва қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда диншунослик экспертизасини тартибга солган.

Диншунослик экспертизаси Ўзбекистонда 1992 йилда шакллантирилган. Лекин мажбурий аҳамият касб этмаган. Кейинчалик мамлакатимизда ноҳолис мазмундаги диний адабиётларнинг нашр этилиши ва хориждан олиб кирилиши диншунослик экспертизасининг долзарблигини оширган.

Дарҳақиқат, диншунослик экспертизасидан ўтказилмасдан чиқарилган диний мазмундаги айрим китоблар таҳлил қилинганида уларда ислом ақидасига тўғри келмайдиган фикрлар ҳам кузатилади. Жумладан, “Саодатга элтувчи билим” (Дин, фалсафа, ҳаёт, маънавият ва маърифат сабоқлари) китобининг оламнинг яратилиши ҳақидаги бобида Аллоҳ инсонларнинг ақлий салоҳиятини синаш учун одам шаклида ерга тушгани ва бир чўпон билан учрашгани ҳамда унинг ақл-заковатининг кучли эканини кўриб, келажакда

инсонлар ҳудудда рақобатлашишдан хавфсираб бутун инсониятни йўқ қилгани баён этилган. Бу тушунча диний жиҳатдан ўта хатарлидир.

Бундан ташқари, миссионерлик гоёларини тарғиб қилувчи кўплаб хорижий адабиётлар турли шахслар томонидан ҳар йили юртимизга олиб келинади. Диншунослик экспертизаси мутахассислари хизмати эвазига

бу адабиётлардаги ноқонуний гоёлар аниқланиб, уларни кенг оммага чиқиб кетишининг олди олинади.

Нашр этиш учун тақдим этилган адабиётлар ўрганилганда Қуръони карим оятларини нотўғри таржима ва талқин этиш, заиф ва тўқима ҳадислардан кенг фойдаланиш, минг йиллар давомида халқимиз амал қилиб келадиган мотуридийлик эътиқоди ва ҳанафийлик мазҳабига зид бўлган қарашлар, республикамизда қарор топган диний бағрикенглик анъаналари ҳамда қонунчилик асосларига хилоф бўлган тушунчалар учрайди.

Шу билан бирга, турли шахслар томонидан ўзини пайғамбар деб эълон қилиш ва ўзининг янги “дин”ини асословчи адабиётларни нашр этиш учун муурожаатлар ҳам учраб туради. Бундан ташқари, диний профессионал таълим олмаган айрим шахслар ҳам диний адабиётлар ёзишга киришиб кетишди. Натижада диний ақидаларга хилоф бўлган асарлар ёзиб келадилар. Бундай адабиётларни кенг омма қўлига чиқиб кетиши кўплаб инсонларни эътиқоддан адаштириб қўйиши табиий.

Шунингдек, хориждан келтирилган ва экспертизага тақдим этилган баъзи адабиётларда саҳобийларни, хусусан, Абу Бакр, Умар ва Усмон розияллоху



анҳуларни очикдан-очик ҳақоратлаш, улар томонидан ривоят қилинган ҳадисларни ишонсиз ва тўқима эканига ишонтиришга ҳаракат қилинган фикрлар учрайди. Бу каби адабиётларни экспертизадан ўтказмай фойдаланишга чиқариб юбориш диний адоватларни келтириб чиқариши шубҳасиз.

Мазкур ҳолатларни инобатга олган ҳолда, хорижда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш уларнинг мазмуни қонунда белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, турли диний ихтилофлар, фуқаролар ўртасида душманлик туйғуларининг вужудга келиши, прозелитизм ва миссионерлик фаолияти тарғиб қилиниши, мамлакат хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ҳамда жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари, фуқаролар тинчлиги, миллатлараро ва динлараро тотувлик бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шундай экан, янги қонун юртимизда диний адоватларнинг олдини олиш ва динлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, муқаддас динимиз мусаффолигини асрашга хизмат қилади.

Шукруллоҳ Жўраев,  
Имом Мотуридий халқаро  
илмий-тадқиқот маркази  
Замонавий ислом тадқиқотлари  
бўлими бош илмий ходими.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

# ТАБИАТ БЕПИСАНДЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИ

Атроф-муҳит муҳофазаси ниҳоят-да муҳим. Яшаш учун табиатни асрашимиз, табиий ресурсларни оқилона бошқаришимиз, улардан тежамкорлик билан фойдаланишимиз зарур. Шунингдек, бугунги кунда ер шаридаги кўплаб экотизимлар захираси деярли буткул тугаб, орта қайтариб бўлмайдиган даражага юз тутган. Боз устига аҳоли нуфуси ўсиб бораётган, иқтисодий тараққиётга эҳтиёж кун сайин ортаётган вазиятда атроф-муҳитни сақлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифа саналади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда халқаро экологик ҳамкорлик жуда муҳим аҳамият касб этади. Бунда — ер юзидаги барча мамлакатлар томонидан табиат муҳофазасига доир халқаро келишув -шартнома, конвенциялар тузиш, халқаро экологик меъёрларни ишлаб чиқиш ва уларга риоя этилишини ҳамкорликда назорат қилиш, умумсайёравий ва ҳудудий экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш, илмий тадқиқотлар ва турли халқаро анжуманлар ўтказиш каби кенг кўламли тадбирлар комплекси тушунилади.

Атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишда халқаро доирада қўйилган биринчи қадам 1913-йилда Берн (Швейцария)да 18 та давлат иштирокида "Табиатни муҳофаза қилиш" бўйича халқаро конференция ўтказиш бўлди. 1923-йилда эса Парижда биринчи халқаро табиатни муҳофаза қилиш конгресси бўлиб ўтди. 1928-йилда Брюссел (Белгия)да "Табиатни ҳимоя қилиш халқаро бюроси" очилди. Ушбу халқаро тадбирлар доирасида Атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишга эътибор бир мунча кучайди.

1945-йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилиши муносабати билан атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкор-

лик ушбу халқаро ташкилот фаолиятининг муҳим таркибий қисми сифатида ривожлана бошлади. БМТ халқаро экологик ҳамкорликни янада тараққий эттириш йўлида кўп ишларни амалга оширди. Дастлаб 1948-йилда БМТ ташаббуси билан "Табиатни ҳимоя қилиш халқаро бюроси" "Табиатни муҳофазалаш халқаро иттифоқи"

«**Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда БМТнинг атроф-муҳит муаммолари билан шуғулланувчи 7 та миссияси фаолият кўрсатмоқда, айниқса, Орол ва Орол бўйидаги экологик муаммолар Халқаро ташкилотларнинг диққат марказида бўлиб ушбу йўналишда турли тадбирлар ўтказилмоқда.**

га айлантирилди. Ҳозирги кунга келиб ушбу иттифоқ фаолиятида дунёнинг 118 мамлакатидан 636 тадан зиёд давлат ва жамоатчилик ташкилотлари иштирок этмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда БМТнинг мавжуд 14 та ихтисослашган ташкилотларидан 6 таси атроф-муҳит муҳофазасига алоқадор масалалар билан шуғулланади. Хусусан:

ЮНЕСКО — таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларидан бири атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида маориф ва кадрлар тайёрлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ижобий тажрибаларни оммалаштириш, илмий тадқиқотлар ўтказишга қаратилган.

ФАО — озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилот. У ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонлардан комплекс

фойдаланиш, уларнинг унумдорлигини ошириш муаммолари билан шуғулланади.

ЖСТ — халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти. Атроф-муҳит муҳофазасининг санитар-гигиеник масалалари билан шуғулланади.

ХМТ — халқаро метеорологик ташкилот. Иқлимдаги умум сайёравий ўзгаришлар билан шуғулланади.

ДМТ — денгизлар бўйича давлатлараро маслаҳат ташкилоти. Бу ташкилот дунё денгиз ва океанларидан фойдаланишнинг экологик жиҳатлари билан шуғулланади.

Юқоридагилардан ташқари БМТнинг ижтимоий ва иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи кенгаши



— ЭКОСОС фаолиятида ҳам атроф-муҳит муҳофазасига жиддий эътибор бермоқда.

Атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Конституциянинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, атроф-муҳитга муносабат ва бошқарув тизими бўғинларининг фаолияти белгиланган. Жумладан,

дексининг 4-бўлими "Экология соҳасидаги жиноятлар" деб юритилади. Жиноят кодексига Экология соҳасидаги турли жиноятлар учун жарима тўлаш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мол-мулкни мусодара қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш чоралари белгиланган.

**Иқболбек АБДУМАЖИДОВ,**  
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази етакчи мутахассиси

50-модлада "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдир"лар дейилади. 100-моддада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш маҳаллий ҳокимлик органлари вазифасига кириши таъкидланган.

2019 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2030 йилгача бўлган

даврдан Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги Фармони қабул қилинган. Ушбу Фармон доирасида концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатга алоҳида-алоҳида тасдиқланганидан «йўл хариталари» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда БМТнинг атроф-муҳит муаммолари билан шуғулланувчи 7 та миссияси фаолият кўрсатмоқда, айниқса, Орол ва Орол бўйидаги экологик муаммолар Халқаро ташкилотларнинг диққат марказида бўлиб ушбу йўналишда турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарликка тортиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик меъёрларида белгиланган. Маъмурий кодексда жиноят турига қараб турли миқдорда жарималар тўлаш ва маълум ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси жиноят ко-



# ҚАРШИНИ ҚАРҒИШ УРГАНМИ?


Ёзнинг қайноқ палласида дарахтлар бўй чўзган баҳаво масканлар танингизга ҳузур бағишлабгина қолмай, маънавий озуқа ҳам бериши табиий. Бироқ айти оташин мавсумда Қарши шаҳрининг кўзга кўринарли жойларида бўлган кишининг таъби хиралашади. Бу бир томондан шу жойларда фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг ҳафсаласизлигига бориб тақалса, иккинчи томондан шаҳар мутасаддиларининг озодлик ишларига эътиборсизлик билан қараётганини кўрсатади. Аслида бу манзилларга ким жавобгар?

Афсонавий Орол денгизи каби қуриб, қақшаб, чиқиндилар омборига айланган сунъий кўл, “Геолог” маданият спорт соғломлаштириш маскани ҳам шу атрофдаги истироҳат боғи билан боғловчи йўлда жойлашган. Бир



вақтлар шаҳарнинг асл чиройи бўлган фавворалар аллақачон қуриб қолган, зилол сувлари билан кўзни қувнатиш лозим бўлган бетон ариқларда бўш идишлар сузиб юрибди.

Юртимизнинг барча марказлари сингари Қарши шаҳри ҳам чет эллик сайёҳлар билан гавжум. Улар воҳамизнинг бир вақтлардаги муаззам табиати доврўғини эшитиб, ташриф буюраётган бўлиши мумкин. Аммо шаҳарнинг



айни пайтдаги аҳволини кўриб, улар бу ерда неча кун юришаркан? Ўйлаб қоласан, Қаршининг аввалги роҳатижон табиати, осмонўпар дарахтлари, зилол сувларига қарғиш тегдими?

Афсуски, туризм ривожига катта эътибор қаратилаётган бугунги кунда бизда кичик муаммоларга аҳамият берилмаяпти. Кўча ва хиёбонлар эътибордан четда. Ҳар ҳолда мутасаддилар бу манзараларни кўриб хулоса чиқарса, мусаффоликни сақлашга ўз ҳиссаларини қўшган бўларми? Ёки республика миқёсидаги бирор раҳбар ташриф буюргунча ўтираверамизми “қақшаб”?

Шавкат КАРОМОВ



Қаровсизликдан қақшаб бораётган Қарши марказидаги манзарага маймунлар ҳам йиғлайди. Дуч келган жойга ташлаб кетилаётган чиқиндилар, мунгайган азим дарахтлар, қачонлардир умид билан бўй кўрсатиб, эндиликда қовжираган ўт-ўланлару ҳароб ҳолидан уялиб нурай бошлаган обод майдончалар масъуллардан нажот кутмоқда.

Шаҳарнинг марказий “Жайхун кўчаси” кўшни мамлакатлар билан боғловчи йўл ҳисобланади. Ҳар йили мавсумда, катта маблағ эвазига дарахт ва анвойи гуллар экилади. Бу ерда ҳам аҳвол қониқарсиз. Яшил-



ликни таратувчи экинларга парвариш йўқ.

## ЎРГАНИШЛАР НАТИЖАСИ — САМАРАЛИ КЎРСАТКИЧ

Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан давлат тилида иш юритилиши таъминлаш, лотин алифбосига босқичма босқич тўлиқ ўтилиши, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан Агентликнинг марказий аппарати билан бир қаторда унинг тизим ташкилотлари, ҳудудий филиалларида ҳам ижобий ишларни тизимли равишда амалга ошириш, мониторинг қилиш, ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Худди шундай мақсадда Агентликнинг тизим ташкилотлари ҳисобланган Ўзбекистон миллий метрология институти, Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази» давлат корхонаси («UzTest» ДК) ҳамда Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш Департаментининг Сирдарё, Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси филиалларига ташриф буюриб, ҳар учала филиалда давлат тилида иш юритилиши, лотин алифбосига ўтилиши, филиалда маънавий-маърифий йўналишда олиб борилган ишлар билан яқиндан танишилди.

Таъкидлаш лозим, Ўзбекистон Миллий метрология институти ҳамда унинг филиаллари лабораторияларидаги ҳар бир асбоб ускунага давлат тилида лотин алифбосида тавсифномалар ёзиб қўй-

илган. Ушбу тавсифномалар ёрдамида асбоб ускунанинг номидан тортиб, қарда ишлаб чиқарилгани, яроқчилиги муддати, нималар бўйича метрология текширувлар ўтказилишини бемалол билиб олиш мумкин. Институт ва унинг филиалларида Маънавият ва маърифат хоналари, кичик кутубхоналар ташкил этилган. Хоразм филиали раҳбарияти китобхонлик маданиятини янада ошириш мақсадида энг кўп китоб ўқиган ходимларга моддий рағбатлантириш жорий этилгани ҳақида хабар берди.

Филиаллар жамоаларида асосан ўзбек миллатига мансуб ходимлар фаолият юритади, лекин бошқа миллат вакиллари ҳам давлат тилида ҳеч қандай луғатсиз ва таржимонсиз мулоқот қила олишлари алоҳида эътиборни тортди.

Ўзбекистон миллий метрология институти Хоразм филиали бошлиғи Нурбек Ҳажиев филиалда маънавий-маърифий ишлар ва давлат тили

тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича олиб борилаётган амалий ҳаракатлар ҳақида маълумот бериб, жамоа иштирокида маънавий ва маърифий тадбирлар ўтказилиши ходимларга маънавий озуқа бериши, шунинг учун ҳам бу каби суҳбатларни узвий давом этилишини алоҳида таъкидлади.

Филиал фаолиятини ўрганиш жараёнида мурожаат билан ташриф буюрган кекса фуқаролар техник жиҳатдан тартибга солиш йўналишида ҳам давлат тилида иш юритиш, маънавият ва маърифат масалаларига шунчалик эътибор қаратилаётганлигини алоҳида хурсандчилик билан қайд этди.

Филиаллар ходимлари билан ўтказилган суҳбатларда маънавий-маърифий ишлар ва давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг долзарблиги, бунга ҳукумат даражасида катта эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.

«UzTest» ДК ҳамда Департаментда ушбу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар алоҳида кўрсатиб ўтилди, маънавият ва маърифат хонаси, кичик идоравий кутубхоналар ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди.

Ҳар учала филиал бир бинода жойлашган бўлиб, уларнинг барча хо-

димлари Маънавият ва маърифат хоналаридан фойдаланиб, идоравий кутубхоналардаги адабиётлар билан танишиш имкониятига эга. Ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этиб, жамоада ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ривожланишига ҳисса қўшадилар. Ходимлар билан ўтказилган суҳбатларда жамоада ҳукм сураётган аҳиллик, бир бирдан хабар олиш, дўстона муносабатлар иш унумдорлигининг ошишига хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар. Зеро, айнан ушбу хислатлар маънавиятнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Филиалларда давлат тилида иш юритиш яхши йўлга қўйилган, лотин алифбосига ўтиш ишлари жадаллаштирилмоқда. Бошқа миллатга мансуб ходимлар бўлмаганлиги сабабли давлат тилини ўрганиш курсларига эҳтиёж йўқлигини таъкидладилар. Жамоалар асосан ёшлардан иборат бўлгани учун лотин алифбосини ҳам ўзлаштириш унчалик қийинчилик туғдирмаслиги сезилди.

Найбахон МАМАДАЛИЕВА,  
Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Бош директорининг маслаҳатчиси, филология фанлари доктори, профессор

**Буюк шотланд ёзувчиси Артур Конан Дойл (1859–1930) гарчи илмий-фантастик ва тарихий-саргузашт жанрларида баракали ижод этган бўлса-да, жаҳон адабиёти тарихига, асосан, детектив жанр устаси сифатида кирди. Шерлок Холмс мавзусида детектив устаси 60 та асар яратган бўлиб, шулардан 56 таси ҳикоя, 4 таси қиссалардир.**

Артур Конан Дойлнинг шу тўрт қиссасидан бирини Насибулла Ҳабибуллаев ярим аср аввал ўзбекчага ўгириб, “Баскервиллар ити” номи билан чоп қилдирган эди (Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 йил). Эндиликда мазкур қиссани Шаҳноза Муҳаммадиева ҳамда Гулчеҳра Азимова қайта ўгириб, “Баскервилейнинг ити” номи остида нашр эттирди (Тошкент, “Book Media Nashr” нашриёти, 2021 йил). Икки таржимада асар номи ўзаро бундай фарқ қилиши китобхонда куйидагича савол туғдириши табиий: “Булардан қайси бири тўғри: Баскервилларми ёки Баскервилейми? Таржимонларнинг ҳам қайсиси ҳақ-у, қайсиси ноҳақ?” Ушбу саволга аниқ жавоб қайтариш учун аслиятга мурожаат этиш зарур, албатта. Асар инглиз тилида “The Hound of the Baskervilles” деб аталади. “The Hound” ўзбекчага “този ит”, “ов ити” деб таржима қилинади. “The Baskervilles” эса “Баскервиллар” деб ўгирилади. Демак, қисса номининг ўзбекча тўғри таржимаси — “Баскервиллар ити”.

Қисса номи “Баскервилей...” деб таржима қилдим, демак, бутун асарда айнан шу шакл қўлланиши лозим эди. Лекин асарда бу ном саксонга яқин жойда тилга олиниб, улардан тўрт-бештасидагина “Баскервилей” шакли қўлланади, етмиш беш-етмиш олти жойда эса “Баскервил” шаклидан фойдаланилади.

Ажабо, нега шундай, бу — ахир, абсурд-ку? Бизнингча, қисса таржимасини бир мутаржим бошлаган-у, аммо қандайдир сабабга кўра, уни тўхтатишга мажбур бўлган. Ўша мутаржим тўхтатган жойдан эса ишни бошқа мутаржим давом эттирган. Бу тахминни қуйидаги далил ҳам тасдиқлаши мумкин: Шерлок Холмснинг содиқ дўсти ва кўмакчиси номи ҳам аввал Ватсон бўлгани ҳолда, сўнгра Уотсонга айланади. Қисқаси, нашриётда икки мутаржим ўгирган қисмлар ўзаро мувофиқлаштирилмай шовша-шошарлик ва эътиборсизлик билан чоп этиб юборилаверган. Қисса номини ҳам аввалги таржимон “Баскервилейнинг ити” деб хато ўгирган-у, бу хато кейинги таржимоннинг ўгирмаси асосида тузатилмаган.

Одатда янги таржима аввалгисига қараганда аслиятга кўпроқ мувофиқ бўлиши; иккинчидан, аввалги таржимага қараганда бадиий юксакроқ бўлиши шарт. Акс ҳолда ўша асарни қайта таржима қилишдан ҳеч қандай маъно йўқ. Хўш, Артур Конан Дойл қиссасининг Ш.Муҳаммадиева ҳамда Г. Азимовалар яратган янги таржимаси ана шу талабларга жавоб

бера оладими? Буни аниқлаш учун мазкур ўгирмани қиссанинг инглизча аслияти ҳамда Н. Волжинанинг русча ва Н. Ҳабибуллаевнинг ўзбекча ўгирмалари билан қиёслаб кўрайлик:

Инглизча аслият: Mr. Sherlock Holmes, who was usually very late in the mornings, save upon those not infrequent occasions when he was up all night, was seated at the breakfast table. I stood upon the hearth-rug and picked up the stick which our visitor had left behind him the night before. It was a fine, thick piece of wood, bulbous-headed, of the sort which is known as a “Penang lawyer.” Just under the head was a broad silver band nearly an inch across. “To James



## Шаклан ЖОЗИБАДОР, мазмунан ХАТО

“БАСКЕРВИЛЛАР ИТИ”МИ ЁКИ “БАСКЕРВИЛЕЙНИНГ ИТИ”?

Mortimer, M.R.C.S., from his friends of the C.C.H.,” was engraved upon it, with the date “1884.” It was just such a stick as the old-fashioned family practitioner used to carry — dignified, solid, and reassuring.

Н. Волжина таржимаси: Мистер Шерлок Холмс сидел за столом и завтракал. Обычно он вставал довольно поздно, если не считая тех нередких случаев, когда ему вовсе не приходилось ложиться. Я стоял на коврик у камина и вертел в руках палку, забытую нашим вчерашним посетителем, хорошую толстую палку с набалдашником — из тех, что именуются “веским доказательством”. Чуть ниже набалдашника было врезано серебряное кольцо шириной около дюйма. На кольце было начертано: “Джеймсу Мортимеру, Ч. К. Х. О., от его друзей по ЧКЛ” и дата: “1884”. В прежние времена с такими палками — солидными, увесистыми, надежными — ходили почтенные домашние врачи.

Н. Ҳабибуллаев таржимаси: “Мистер Шерлок Холмс стол ёнида нонушта қилиб ўтирарди. Унинг кечалари ётиб ухлашга вақти бўлмаган камдан-кам ҳолларни ҳисобга олмаганда, одатда, жуда кеч ётар эди. Мен камин олдида гиламчада ўти-

риб, кеча уйимизга келиб кетган киши унутиб қолдирган ҳиассани кўлимда ўнатиб турардим. Боши қайрилган бу бежирим йўғон ҳасса “рад этиб бўлмас” деб аталадиган буюмларнинг бири. Ҳассанинг тутқисидан сал пастрок жойига эни бир дюймча бўлган кумуш пластинка ёпиштириб қўйилган. Шу пластинкага: “Джеймс Мортимерга, Ч.К.Х.О., унинг ЧКЛ даги дўстларидан” деган сўзлар ва “1884” рақамлари ёзилган эди. Илгари вақтларда бойлар ҳузурдаги мўътабар

ухлагани “жуда кеч ётарди”, деб ўзбекчалаштиради. Аслиятда Уотсон камин олдидаги гиламчада тик турса, таржимада эса камин олдидаги гиламчага ўтказиб қўйилади. Яна, муаллиф Уотсонни ҳассани кўздан кечираётган ҳолда тасвирласа, Н.Ҳабибуллаев эса ҳассани ўйнаётган ҳолда акс эттиради. Бундан ташқари, ҳассанинг боши аслида думалоқ бўлса-да, мутаржим уни қайрилма, деб таърифлайди. Ниҳоят, у ҳасса соҳибининг номини “Джеймс” деб ўтиради. Ҳолбуки, “ж” олдида “д” орттириб талаффуз қилиш рус тилига хос, инглиз ва ўзбек тилларида бу исм “Жеймс” шаклида талаффуз этилади.

Ш.Муҳаммадиева ҳамда Г.Азимовалар Н.Ҳабибуллаевнинг бир неча хатосини тузатиб кетишса-да, аммо улар ҳам таёқчани “кўздан кечирардим” ўрнига “ўйнатар эдим”, дейди. Ҳассаданги кумуш халқача ҳақида сўз борганда эса, мазкур бирикмадаги “кумуш” сифатини тушириб қолдиришади. Ваҳоланки, бу деталь Жеймс Мортимернинг феълени аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, улар таржимада ҳассага “халқа ўйилган” дейишганки, бу мантиққа асло тўғри келмайди. Негаки, ҳассага кумуш халқа ўрнатилади; ўйилиш эса унга битилган сўзларга тааллуқли. Бундан ташқари, ҳасса “сервиқор, вазмин ва ишончли” деб таърифланган ва шунинг оқибатида услубий гализлик келиб чиққан. Ваҳоланки, бу ўринда Н.Ҳабибуллаев каби “сервиқор, салмоқдор, пишиқ” сифатларини қўллаш тўғри эди. Ниҳоят, “Халқда шундай сўзлар битилган: “Жеймс Мортимерга, Ч.К.Х.О., унинг ЧКШдаги дўстлари номидан” ва сана: “1882” жумласи ўзбек тили грамматикасига тўғри келмайди. Гапни русчадан шовшақоқлик билан сўзма-сўз ўгириш шундай салбий оқибатни келтириб чиқарган. Қиёсий таҳлил натижалари кўрсатмоқдаки, Н.Ҳабибуллаев таржимасида мазмунга доир талай хатолар мавжуд. Бироқ, у бадиий жиҳатдан анча юксак. Чунки Н.Ҳабибуллаев тилда образлиликни таъминлай олган. Ш.Муҳаммадиева ҳамда Г.Азимовалар таржимасида эса мазмунга доир хатолар нисбатан оз, лекин бадиий жиҳатдан анча бўш.

Гап шундаки, Артур Конан Дойлнинг “Баскервиллар ити” қиссаси ҳали-ҳануз ўзбек тилида ўз асл таржимонини топгани йўқ. Шу вақтгача яратилган икки таржима бу йўлдаги тажрибалар сифатида баҳоланади, холос. Ш. Муҳаммадиева ҳамда Г.Азимоваларнинг қисса номини хато ўгириши эса қанчадан-қанча китобхонни чалғитиши аниқ.

Муҳиддин АБДУЛҒАФФОР,  
Ҳилола ОРТИҚОВА

## “ИБОДАТ ЛИБОСИ”

тушунчасининг ҳуқуқий таърифи

**Аввалги қонунчилик ҳужжатларида “ибодат либоси” тушунчасининг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслиги сабабли жамоат жойларида ибодат либосида юришга тақиқ Қонундан (14-модда) чиқариб ташланди.**

Шу билан бирга, амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосан, давлат ташкилотлари ва муассасаларида ходимларнинг кийинишига оид талаблар уларнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Тарихга назар ташласак аёллар мавзуси доимо долзарб бўлган. Тараққийпарвар кишилар инсон қадрини улуғлашда, аввало, аёл шаънини, унинг ҳуқуқлари ва жамиятдаги ўрнини эътироф этиш, тиклаш ҳақида саъй-ҳаракат қилган. Яна бошқа тоифа кишилар эса, аёлни нафақат қадрлаш ва юксалтириш, балки унинг асл

ҳуқуқларини беришда ҳам унга эҳтиромсиз муносабатда бўлган.

Ушбу ҳолат барча замон ва маконларда, хусусан ҳозирда ҳам учрайди. Исломининг таълимотида аёлни эъзозлаб, жамиятдаги фаоллиги ижобий баҳоланади. Модомики, аёл-қизлар жамиятнинг турли жабҳаларида, ташкилотларда фаолият юритаркан, ўқув муассасаларида ўқир экан, либос ва кийиниш масаласига рўбарў бўлади.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби ташкилот ва ўқув муассасаларида кийинишда муайян талаблар бўлиши табиий. Аммо муслимлардан ҳеч ким авратларини очишни талаб қилмайди. Фақат қора рангдаги, юзни бутунлай ёпадиган (бурқа) кўриниш чекланади. Бунинг қатор сабаблари мавжуд.

Мусулмон мамлакатларида аёлларнинг миллий либослари асосан очик ва ёруғ рангли бўлган. Сўнги вақтлардаги ди-

ний-сиёсий вазиятлар оқибатида қоп-қора рангдаги кийимларнинг оммалашуви мутахассислар фикрича, айрим экстремистик ташкилотлар рамзи деб талқин этилмоқда.

Айрим ҳудудлардаги иқлим сабабли, масалан, “хамсин” шамолидан жон сақлаш мақсадида нафақат аёллар балки барча инсонлар ҳатто юзларини ҳам батамом ёпишга мажбур бўладилар. Ушбу ҳолат миллий либослар дизайнига ҳам таъсир қилган.

Исломининг таълимотида аёлларнинг юзи ва қафтларидан бошқа барча аъзолари беғоналар учун аврат ҳисобланади. Асосий талаб авратларнинг ёпиқ бўлиши — юпка, тор ва шаффоф бўлмаслигидир. Аммо унинг ранги ва андозаси ихтиёрийдир. Шундай бўлсада, кийимларнинг оқ рангда бўлиши тавсия этилади. Бу ҳақида Пайгамбаримиз алайҳиссалом: «Оқ кийим кийинглари, чунки у пок ва чиройлидир. Ўликларингизни ҳам у билан қафанланг»,

деганлар (Имом Абу Исо Термизий «Шамоили Муҳаммадия» 44-бет). Бугунги кунда ҳар қандай жамият ва миллатнинг ҳам бу каби талаб ва меъёрлари бўлиши табиий ҳолдир. Эркин, демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамиятида шахснинг бирор тана аъзосини жиддий зарурий сабабсиз очишни ё ёпишни мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Қадимдан диёримизда шаклланган анъаналарга кўра атлас, адрас каби миллий либосларни кийиш урф бўлган. Бугунги кунда ҳам аёлларнинг миллий шаклда кийиниши тавсия этилади.

Қуръони каримда «... сизларни халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик...» (Хужурот сураси, 13-оят), дейилган. Ҳар бир миллатнинг ўзлиги, ўзига хослиги, миллий урф-одатлари, миллий либос анъаналари бор. Ушбу миллий белгиларни сақлаб, кейинги авлодга соф ҳолда етказиш миллий гуруҳ ва ифтихор белгиси ҳамдир.

Жаҳонгир ТОҲИРОВ,  
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази  
Жамонавий ислом тадқиқотлари бўлими бошлиғи.

**Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Аҳмаджон Бобожинов билан шаҳар тиббиёт муассасаларида, хусусан, оилавий поликлиникаларда амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ҳақида суҳбатлашдик. Бирлашма бошлиғи бугуннинг энг долзарб масалалари ҳақида гапирар экан, тажрибали шифокор Дилфуза Камолова бошчилигидаги шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникаси фаолиятига алоҳида тўхтадик.**

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида ўқиган, мазкур институтнинг Самарқанд шаҳар 1-сон болалар шифохонасида педиатрия мутахассислиги бўйича интернатура ўтаган Дилфуза Камолова шу шифохонанинг ўзига иш фаолиятини бошлаган, бироз муддат ўтиб, навбатчи шифокор, отолоринголог шифокори вазифаларида ишлаган экан. Кейин Самарқанд шаҳар консультатив диагностика бўлими бошлиғи бўлган.

Дилфуза Баҳриевна ўзининг тиббиёт соҳасидаги билим ва тажрибаларини янада кучайтириш мақсадида Самарқанд давлат тиббиёт институтининг отолорингология кафедрасида отолорингология мутахассислиги бўйича билимини оширган. Унинг малакали мутахассис экани ҳисобга олиниб, 2012 йилда Самарқанд шаҳар 1-сон катталар поликлиникаси бош врач лавозимига тайинлаган. 2013 - 2017 йилларда Самарқанд шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникаси бош врач лавозимида ишлади. Поликлиникада болалар, ўсмир ва талабаларга ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ва уни амалга ошириш бўйича катта муваффақиятларга эришган. Ўша йилларда поликлиникада ҳамширалар хонаси ўқув қўлланма ва хона жиҳозлари билан таъминланди, замонавий флюора аппарати, стерилизация хонасига дистиллятор, сухожар шкафи, УЗИ ҳамда ФЭК аппаратуралари келтирилди.

Д.Камолова бош врач сифатида фақат поликлиника фаолиятини яхшилабгина қолмай, вилоят туманлари (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларига маслаҳат ва ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишда иштирок этади. Поликлиникада жорий таъмирлаш ишларини бажариб, ҳудуднинг ободонлаштирилишида куч-ғайратини аямайди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Дилфуза Баҳриевна

да тиббиёт хоналари ташкил этилган. Умумий ўрта таълим муассасаларида тиббий хизмат етарли даражада йўл-

қадан тиббий кўрикдан утказилади ва соғлиги тўғрисида маълумот берилади.

Шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги “Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан ташкил қилинган шаҳар репродуктив саломатлик марказида 7 нафар (нарколог, психиатр, фтизиатр, дерматовенеролог, гинеколог, терапевт, рентгенолог) шифокор ва 7 нафар ҳамшира фаолият кўрсатади.

Аҳолига тор соҳадаги ихтисослик ёрдами яқинлаштириш ҳамда мутахассислар томонидан оилавий поликлиникаларда диспансер назоратини янада кучайтириш, соғломлаштириш даражасини ошириш мақсадида тор соҳа мутахассислар, яъни шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиника штатидаги 304 нафар шифокор ва ҳамширалар 11 та оилавий поликлиникаларга бириктирилган.

Д.Камолованинг халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати сифатидаги фаолияти ҳам диққатга сазавор. Айниқса, соғлиқда муаммоси бор беморлардан ўз ёрдами аямайди. Беморлар ҳолидан хабар олиб, дори-дармон ва бошқа тиббий муолажалар кўрсатилишини таъминлайди. Ўзбекистон “Адолат” СДП Самарқанд шаҳар депутатлик гуруҳи ҳамда соҳага тегишли бўлган ҳамкор ташкилот ходимлари билан Самарқанд шаҳрида жойлашган дорихоналар фаолиятининг ўрганилишида ҳам иштирок этмоқда.

Абдурашул САТТОРОВ

## ЭЛ КОРИГА БАХШИДА УМР

нинг талабчанлиги, ишчанлиги ва малакали мутахассис эканини инобатга олинди. У Тайлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи лавозимига ишга тайинланди. Бу ерда у тиббиёт соҳасида жиддий ислохотларнинг амалга оширилишида ўзининг ишга бўлган муносабатини, қатъиятини намойиш эта олди. 2018 йилдан эса Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли марказий кўп тармоқли поликлиникаси бўлими мудири ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. У бу соҳада ҳам қисқа фурсатда каттагина ҳажмдаги ишларни амалга оширишга мушарраф бўлди.

Самарқанд шаҳридаги 80 та умумтаълим мактаби ва 1 та ИДУМга марказий кўп тармоқли поликлиникасининг 194 нафардан иборат врач ва ҳамширалари тиббий хизмат кўрсатмоқда. Барчаси-

га қўйилган. Шу билан биргаликда 5791 нафар ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежларидаги талабаларга 2 нафар ўсмирлар шифокори ва 7 нафар ҳамширалар, 26 456 нафар олий ўқув юртида таҳсил олувчи талабаларга эса 7 нафар шифокорлар ва 13 нафар ҳамширалар тиббий хизмат кўрсатяпти.

МТМ ва умумтаълим мактабларда, ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежларида ва олий ўқув юртларида тиббий хоналар ташкил қилинган бўлиб, болалар саломатлигини назорат қилиб, белгиланган муддатларда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади ва касаллиги аниқланган беморлар диспансер назоратига олиниб, ўз вақтида соғломлаштириш ишларини олиб боришади. Спорт билан шуғулланувчи ёшлар ҳам марказий кўп тармоқли поликлини-

## ТАДБИРКОРНИНГ ТАШАББУСИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА



**Эркин Саидов нафақат Бекобод туманида, балки Тошкент вилоятида ҳам кўпчиликка яхши таниш. Бу ажойиб инсон ички ишлар органида, турли раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонди, эл корига яради. Ҳақиқатга чиққанидан кейин ҳам қўл қовуштириб ўтирмади. Мамлакатимизда тадбиркорлик катта эътибор қаратилаётган бир пайтда ўзи яшаётган ҳудудда, кадрдон маҳалласида ниманидир ўзгартиришга, ободончиликка қўл ура бошлади.**

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига биноан мамлакатимизда ички туризмни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган. Бунинг учун эса аввало жойларда зарур шарт-шароитларни яратиш, меҳмонхоналар бунёд этиш бугунги кунимизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Буни юракдан чуқур ҳис этган Эркин Саидов Зафар шаҳарчаси “Бўстон” МФЙ ҳудудида чиқиндихонага айланиб, ташландиқ ҳолатга келиб қолган жойни обод қилишга энг шимариб киришди.

Тиришқоқлик ва изланувчанлик қобилиятига эга бўлган Эркин ака бугунги кун талабидан келиб чиқиб айнан шу жойнинг ўзида меҳмонхона барпо этиш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти туризмни ривожлантириш департаменти бу ташаббусни қўллаб-қувватлади ва ўз тавсияси билан “SAIDJON-HOTEL” масъулияти чекланган жамиятига меҳ-

монхона қуриш учун рухсат берилди. Қурилиш- бунёдкорлик ишлари авж олди. Умуман Бекобод тумани марказида ҳалигача бундай мажмуа мавжуд эмас эди. Бу эса Эркин Саидов корхонаси учун жуда қўл келди.

Тадбиркорнинг бевосита ташаббуси, мутасаддиларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида маҳалланинг ушбу ҳудудида кенг қамровли ишлар бошланиб кетди. Туманга ташриф буюрадиган меҳмонлар учун ўзига хос ажойиб меҳмонхона мажмуаси фойдаланишга топширилди. Қулай шарт-шароитлар ва инфратузилма яратилди. Меҳмонхонанинг атрофи ободонлаштирилиб, хушманзара боғ, арчазор барпо қилинди, теварак агроф қўқаламзорлаштирилди. Келиб-кетувчиларнинг баҳри-дили очиладиган, мириқиб ҳордиқ чиқарадиган маскан бунёдга келтирилди. Мажмуанинг фойдаланишга топширилиши натижасида 10 дан ортиқ маҳалла аҳли иш билан таъминланди.

— Маҳалламиз ҳудудида “SAIDJON-HOTEL” мажмуасининг барпо эти-

лиши нафақат маҳалламиз аҳлини, қолаверса туманимиз меҳнаткашларини ҳам беҳад қувонтирди, — дейди “Бўстон” МФЙ раиси Тожиҳон. — Биринчидан, аҳолига — маданий маиший хизмат кўрсатиш салмоғи ортган бўлса, иккинчидан, маҳалламиз ҳудуди гўзал ва обод маскан билан бойиди, маҳалла фуқаролари иш билан таъминланди. Бу эса кўпчиликнинг эътирофига сазавор бўлмоқда. Қанийди, маҳалламизда Эркин Саидовга ўхшаш тадбиркорлар янада кўпайса...

Меҳмонхонанинг ҳудудига қадам қўяр экансиз, чинданда ҳар бир нарсанинг дид билан жойлаштирилганига гувоҳ бўласиз. Хоналар тоза ва озода, дам олиш хоналари, кутиш зали, ошхона ва ювиниш хоналари замонавий мебель ва зарур воситалар билан жиҳозланган. Деворларга дид билан ишлов берилган. Меҳмонхона олд томонидаги йўлакчалар ранго-ранг дарахтлар ва арчазорга бурканган, чиройли ўриндиқлар ўрнатилган. Бир сўз билан айтганда бу мажмуа Тошкент вилояти-

да ўзига хос, ягона мажмуалардан бири дейишимизга тўла асос бор.

Шунингдек, меҳмонхона хизматидан ташқари озиқ — овқат ва хўжалик моллари дўкони мунтазам ишлаб турибди. Ментал арифметика ва бошқа фанларни чуқурлаштириб ўргатадиган ўқув маркази ташкил қилинган. Ушбу марказга мутахассислар жалб этилиб, туманнинг турли ҳудудларидан ўқувчиларнинг келиб - кетиши таъминланмоқда.

— Режаларимиз бундан катта, — дейди мамнуният билан Эркин Саидов. — Мажмуамизни янада кенгайтирмоқчимиз. Қўшимча равишда жаҳон стандартларига мос келадиган 40 ўринли, 2 қаватдан иборат меҳмонхона биносини қуриш ниятим бор. Шунингдек, уй-жойга муҳтож, кам таъминланган оилалар учун 2 хонали коттежлар қуришни режалаштиряпмиз. Айни дамда қурилиш ишларини бошланиши арафасида. Агарда ишларимиз режага-гидек амалга ошадиган бўлса, яна 10 та янги иш ўринларига эга бўламиз.

Дарвоқе, тадбиркорнинг шашти баланд. Унинг қониди яратувчанлик, бунёдкорлик, жўшқинлик ҳисси қайнаб турибди. Президентимиз тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаб, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатаётган бир пайтда Эркин Саидовга ўхшаш жонқуяр ва фидоий инсонлар жуда-жуда зарур. Зотан, янги Ўзбекистонимизнинг гуллаб яшнаши ва янада ривожланишида тадбиркорнинг ўрни ва ҳиссаси беқиёс бўлиб бораверади.

Ашуралӣ БОЙМУРОД

**ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИҢ!**

Хориждан маҳсулот сотиб олиб, импорт қилмасдан учинчи давлатга тўғридан-тўғри сотишга рухсат берилади.

Ижтимоий тармоқларни кузатиб бораман. Яқинда “Олтин воҳа” телеграм каналида админларга йўлланган мурожаатга кўзим тушиб қолди. Қўйилган “пост” остида қизгин мулоҳазалар кечмоқда. Кўтарилган мавзу ва билдирилаётган фикрлар бир-бирдан қизиқ. Шунчаки, ўша “пост” ва юртдошларимиз фикрини эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. Хулоса эса охирида.

"Ассалому алайкум ОАВ ижодкорлари!"

Ушбу мурожаатимни назардан четда қолдирмайсизлар деган умиддаман. Куни кеча телевидение орқали эфирга узатилаётган "Дайди қизнинг дафтари" сериалига ногаҳон кўзим тушди. Фильмда бир йигит ҳам она, ҳам унинг қизи билан бир уйда ишқий муносабат қилиб юрибди. Камига йигит қизга совға берди ва қизни кўтарганча ётоққа... У ёғи тушунарли.

Айтмоқчи бўлганим бундай сериалдан қандай маъно ва қандай маънавий озуқа бор?

Буни кўрган ёш авлоднинг онги қандай фикрлар билан шаклланади? ТВ ижодкорларидан ушбу сериални қайта кўриб чиқиб, баъзи саҳналарини эфирга узатмаслигингизни сўрайман.

Сиз-чи, қадрдоним, сиз нима дейсиз?..

Эслатма: Мурожаат ва мулоҳазалар тахирсиз берилди.

"Уятли сериал. Бу сериалда ўзбек миллатида бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатлар очик кўрсатилган. Сериалдан ёшларимиз нима олиши мумкин?"

"Бу сериал биз учун эмас. Менталитетимизга ҳам умуман тўғри келмайди. Айниқса, сериал жуда "кўпиртириб" юборилган. Аксарият, актёрлар "коридорда" ўқишганга ўхшайди..."

"Савиясиз сериалларни йиғиштиришимиз керак. Сериаллар ҳақида қанчалик кўп гапирсак, шунчалик "таралла-бедодлик" билан урчиқпоти. Айрим сериаллар муҳокама қилишга ҳам арзimasлигини биламан. Шунинг учун умуман сериал кўрмайман. Фарзандларимга ҳам кўрсатмайман".

Юқоридаги юртдошларимизнинг турфа фикрларини сизга тахирсиз ҳавола этдик.

Бу фикрларни асослими, йўқми дея сериалнинг бир нечта қисмларини кўрдим. Даҳшат! Хориж киноларини ёмонлиққа чиқариб юрганлик, ўзимиздан чиқибди, ахийри. Аслида, кинода қизиқарлилик маънавий фойдалилик тушунчасидан кейинроқ келса ва ҳатто анча орқада турса ҳам зиён эмас. Эстрада ёки энг замонавий "реп" намуналарига ишқибоз мухлис мумтоз мусиқани эшитмас, бу санъатдан воз кечилмайди-ку?! Шу маънода санъатнинг бизнес, тадбиркорлик, тижорат манбасига айлантириш нораводир. Бу истемолчилик кайфиятини кучайтиради ва охир-оқибат инсонлик шан-шарафига номуносиб ҳаракатлар эшигини очади, инсониятни руҳий таназзул сари бошлайди.

Хўш, буёғига қайси йўлдан борамиз? Буюк Шекспир қахрамони айтмоқчи, "Ё ҳаёт, ё мамот: масала шундоқ!". Бу саволга жавоб излаб узоққа бориш шарт эмас. Президентимиз Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида жавобни айтганди:

"Маънавий озуқа бермапти деб, хориж сериалларини ёмонлашти. Энди миллий сериалга ҳам шу гап. Ҳаётда бор бўлган ахлоқсизлик, виждонсизлик, орсизлик ёритилган бу асарда. Ҳар қандай бадий асарнинг вазифаси ок билан қорани ажратиб кўрсатиш. Китобхон ажрата билсин яхши нимаю, ёмон нима. Китоб чиққанда ёшлар орасида қўлма-қўл бўлиб ўқилган эди. Энди телевидениега келсак, оилавий кўриб бўлмайдиган фильмларни кўрманг, ўчириб қўйинг. Болалар интернетда бундан баттарларини кўришяпти. Актёрда нима айб? Шундоғам ўзини ҳурмат қилган актёр ўйнамаяпти.. Ҳозир шу сериални ёмонлаган инсонлар фарзандларига "Ўткан кунлар"ни куйиб берса, бола кўрармикан?! Ҳамма нарсани танқид қилавермай, хулоса чиқаришни ўрганишимиз керак... Ҳамма гап ОТА-ОНА да қолган деб ўйлайман"

"Ушбу сериални олишга ҳам пул сарфланган. Маблағни баҳона қилмаслигимиз керак. Бир савол туғилади. Сериал ва фильмлар эфирга узатилишидан олдин қандайдир комиссия томонидан кўриб чиқиладими? Ёки бу ёғи ҳам коррупциями..."

"Фақат бу сериал эмас, ҳозир баъзи каналларда эфирга узатилаётган сериал ва киноларда ҳам шу аҳвол. "Қанчалик "кўпиртириб" кўрсатилса, кўпроқ томошабин қизиқади", деб ўйлашади. Афсуски, натижаси билан ҳеч кимнинг иши йўқ".

"Сериал ёки кино олишга арзийдиган асарларимиз жуда кўп-ку! Ўткир Ҳошимов, Саид Аҳмад каби ёзувчиларимизнинг асарлари жуда қизиқарли ва ҳаётий ёзилган. Бу китобларни қайта-қайта ўқийман. Ҳар сафар мутолаа сўнггида шу асарлар қачондир экранга чиқармикан, деб қўяман".

"Сериални кўриб ёқамни ушладим. Ушбу киноларни фарзандларим билан кўришга уяламан".

"Соғ, бутун олмани чирик олмалар бор қопга солсанг, албатта, у ҳам чирийди. Тарбия қилаверсанг, уйда йўғингда бемаза нарсаларни кўрса, бола "айнийди". Чунки у бола. Барибир, эфирга узатилаётган материаллар сараланиши керак. "Қоғоздаги қандек асралган", "Онаси ўпмаган қизлар" каби мақоллар ўзбеклардагина бор. Умуман, бу борда жуда "толерант" бўлиш шартмас. Шундоғам ҳамма рамкаларга тушолмаймиз, беҳаёлик чекланса, бир жойимиз камайиб қоладими?"

"Ҳеч қайси ўзбек миллатининг уйида она бола муносабати бундай бўлмайди. Бу ҳолат ўлим билан баробар деб ҳисобланади"

"Солиҳ Қаҳҳорнинг 2001 йилда ёзилган бу асари — ҳаётимизнинг қоронғу кўчалари ҳақида. Ўша қоронғу кўчалар чироқлар қўйилиб, ободонлаштирилди. Кўчаларда кучоқлашиб юрган ёшлар, бир бирига тўймаётган "севишганлар"ни кўравериб кўзимиз ўрганди. Ушбу ҳолатни сериалда кўриб фарзандларимиз тарбияси эсимизга тушиб қолди. Гўёки, гуруримиз уйғонди. Аёлларимизнинг мардикор бозорида ўтирганини кўриб, индамай ўтиб кетамиз, сериалларни муҳокама қилишга қандай ботиняпмиз. Аёлларни иш билан таъминлаш керак дейдиган масъуллар, аввало, ўша аёлларнинг эрларини иш билан таъминлаш кераклигини билмайдими? Эраклар иш билан банд бўлса, яхши маош олса, рўзғори бут бўлса, аёлларимиз ҳам она эканликларини эсдан чиқармайди. Уйда ўтириб фарзандини тарбия қилади. Сериаллар — юзимизга тутилган ойна. Ойнага қараб хулоса қилиш эса ўзимиздан..."



### "Маънавият тижоратга айланмасин!"

"...Юртимиздаги бугунги ижодий муҳитни кузатсак, у қандайдир турғунликка тушиб, бир жойда депсиниб тургандай, кўпчилик ижодкорларимиз ўз ташвиш ва муаммолари билан ўралашиб қолгандай таассурот қолдиради. Ҳолбуки, маданият ва санъат арбоблари ҳамisha жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари, фаол гранжданлик позицияси билан эзги мақсад ва марралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак эмасми?!"

Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар "оммавий маданият" таҳдиди фақат четдан — Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан ўз ораимиздан ҳам чиқиши мумкин... Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган кўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий.

Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари,

маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга йўл қўймаймиз. Кимда-ким бу соҳаларга фақат пул ишлаш, фақат иқтисодий фойда кўриш мақсадида кираётган бўлса, улар, марҳамат, тадбиркорлик, бизнесига борсин... Лекин ижодий ишларга аралашиб, ўзини ҳам санъат деган муқаддас тушунчани ҳам беобрў қилмасин. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унуттишга ҳаққи йўқ". Юртбошимиз маънавият, маданият, китобхонлиқни оммалаштириш каби масалаларга эътиборни кучайтираётган вақтда биз билганимиздан қолмасак...

"Кино эрмак ҳам, сувдек оқиб келадиган даромад манбаи ҳам эмас. Кино — санъат, маърифат ва ибратдир. У — тарбиядир: фикр тарбияси, кўнгил тарбияси, туйғулар тарбияси; оламларни тутиб турувчи мувозанат мезон-

ларидан бири" деганди Шухрат Ризо. Яна бир гап, бировнинг ангишвонасини ўмарган одам қонун олдида жавоб беради. Таассуфки, вақт ўғриланинг мушугини биров пишт демайди. Нима учун маънавиятсизлик, ахлоқсизликка "очиқчасига тарғиб қилаётган"ларга қонунан чора кўрилмайди? Телевидение, ОАВ — бизнинг юзимиз деймиз. Аммо юзимизда бугун нималар акс этапти? Гап шу орада айланиб-айланиб маънавиятга бориб тақаларкан, унутмайликки, бугун маънавиятсизлик ва ахлоқсизликни "турли кўринишда" тарғиб қилаверсак, маънавий курашда энгиламиз.

Муроджон РАҲМАТОВ,  
"Жамият" муҳбири



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги  
Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг  
бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг  
"Жамият — ислоҳотлар ташаббускори"  
Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.

ҚИСҚА  
САТРАЛДАРДА  
ЎҚИҢГ!

Автомобилда халқаро юк ташишларда электрон пломбаларни қўллаган ҳолда транспорт воситаларини кузатиб бориш тартиби белгиланди.

## "Ғойибдан келажак, бахт бир афсона"

Мансаб пиллапояларидан кўтарилган ёки мамлакатимизнинг юксак унвонларига, илмий даражаларига муносиб кўрилганларга бошқалар ҳавас қилишади, улардек бўлишга, айнан шундай инсонлар ишини давом эттиришга ҳаракат қилишади. Бу жудаём эътиборли, ёқимли ҳолат. Чунки ўзидан олдин яхши хислатлари, билимдонлиги, ташаббускорлиги борасида ижобий хислатларини намойён эта олганларга эргашиб, уларнинг йўлини танлаш — эзгуликнинг ажойиб намунаси.



— Бундай ҳаракатларни ҳар бир замондошимизнинг маъқуллашига, унга қўшилишига шубҳа қилмайман, шахсан ўзим ҳам шу йўлни танлаганман, десам хато қилмаган бўламан, — дейди яқиндагина докторлик десертациясини ёқлаган нурободлик Исмоил Бобоқулов.

Унинг фикрларини тинглаб эканман ўтган асрнинг саксонинчи йилларининг боши Исмоил билан ўша пайтда "Советобод тонги" деб аталган туман газетасида ишлаган кезларидаги хаёлларга берилдим.

— Ўша даврдаги ҳаётни, одамларнинг қалби қайноқлигини, устозларимизнинг бағрикенглигини ширин энтиқиш билан эслайман, — дейди суҳбатдошим. — Бу хотиралар ҳамиша илҳом беради, куч-қувват бағишлайди. Ўша пайтдаги муҳаррир Баҳриддин Шамсиевнинг жонқуярлиги, ташаббускорлиги, ёшларга бўлган алоҳида меҳрини, муҳаррир ўринбосари Шокиржон Шералиевнинг ижодий қобилиятини, масъул котиб Бойхўроз Маҳмудовнинг тиниб-тинчимаслигини, Турғун Ўсаровдаги ўзига хослик, Абдурасул Ашуровдаги тиришқоқлик хислатлари ва яна жамоада ўз ўрни бўлган бошқа ижодкорлар билан бўлган илиқ муносабатларни эсламай бўладими?

Назаримда, устоз Баҳриддин Шамсиев раҳбарлигидаги ана шу жамоада ҳа-

ётим учун катта пойдевор яратилганди. Узоқ йиллар орзу қилганим, фан доктори деган илмий даражага эришган чоғим, айнан шулар — ўрта мактабни битириб, туманимиз ижодий жамоасида иш бошлаганим, у ердаги тажрибали устозлардан нафақат ишни, балки ҳаётни ҳам ўргана бошлаган онларим кўз олдимдан ўтди.

Кўлимга илк бор қалам тутқазган, айни пайтда табаррук 95 ёшни қаршилаган биринчи ўқитувчим Қобил Курбонов ўғитларини, 14 ёшимда отамнинг олам-

**Узоқ йиллар орзу қилганим, фан доктори деган илмий даражага эришган чоғим, айнан шулар, ўрта мактабни битириб, туманимиз ижодий жамоасида иш бошлаганим, у ердаги тажрибали устозлардан нафақат ишни, балки ҳаётни ҳам ўргана бошлаган онларим кўз олдимдан ўтди.**

дан ўтгани, рус тили фани ўқитувчиси бўлган акам — Исроил Туркмановнинг ҳар томонлама кўрсатган ёрдами ва далдаларини бугун ҳам кечагидек қадрлайман.

Академик шоир Фафур Гулом "Тақдирин қўл билан яратур инсон, Ғойибдан келажак, бахт бир афсона", деган сатрларни ёзганида минг карра ҳақ эди. Ёшлигидан ижодга меҳр қўйган, болалигиданоқ шеърят оламини кеза бошлаган, илк қораламалари матбуотда эълон

қилинганида ундан бахтли инсон йўқ эди. Она қишлоғи Узкунинг гўзалликлари, худуддан оқиб ўтувчи Эски Анҳор канали бўйидаги файз-таравот ёш қалбига илҳом бағишларди. Билардики, бундай истеъдод ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу истеъдоддан фойдалана олиш учун эса меҳнат ва яна меҳнат керак. Улуғ шоир таъкидлаганидек, бахтли келажак фақат меҳнат билан яратилади.

Исмоил Бобоқулов шу фалсафага амал қилишга қарор қилди. СамДУнинг рус филологияси факультетида ўқиган, Навоий давлат педагогика институтини ўқитувчи, декан ўринбосари лавозимларида ишлаган пайтлари асло меҳнатдан қочмади, доимий равишда ўз устиди ишлади, изланди. Кейинчалик меҳнат фаолияти ўзи ўқиган Самарқанд давлат университети билан боғланибди. Рус филологияси факультетида рус тили кафедраси ўқитувчиси, доцент, декан ўринбосари лавозимида фаолият юритди.

2020 йилнинг 11 декабрида унинг ҳаётида яна бир ёрқин саҳифа очилди. Шу куни у Самарқанд давлат чет тиллар институтини қошидаги Илмий докторлик диссертациясини ёқлади. Эътиборлиси, бу СамДУ рус филологиясининг сўнгги 25 йилги тарихидаги ягона фан докторлиги эди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан филология фанлари доктори илмий даражасининг берилиши биргина домла Исмоил Бобоқуловни эмас, унинг устозлари, шоғирдлари, барча ҳамкасбларини қувонтирди.

Бугун туб илдизлари тарихий Улуғбек мактаби билан чамбарчас боғланган СамДУнинг етакчи, билимдон олимлари қаторидан жой эгаллади. Қишлоғи тарихидан эса Узкунинг биринчи фан доктори сифатида ном қозонди.

Абдурасул САТТОРОВ.

### МУЛОҲАЗА

Ҳамманинг оғзида бир гап. "Ёр-ёр" деган кўрсатув бор эмиш. "Эр топармиш", "Хотин топармиш"... Шу дастурни ўйлаб топганларни кимдир ҳақорат қилса, бошқа биров қарғайди. Ўзбекчиликка тўғри келмайди, иштирок этиш иснод, дейишади.

Аслида "Ёр-ёр" дастури орқали қанчадан-қанча оилалар арзимаган сабаб билан ажрашиб кетаётгани кўрсатилаётганини биламизми? Ёшлардан тортиб катталарга сабоқ ва ибрат бўлувчи ҳаётий ҳикоялар айтилаётганидан хабарингиз борми? Бири 16 ёшида ҳомиладор бўлган бўлса, яна бири ота-онасиз тоғасининг қўлида калтакланиб катта бўлганини айтса, яна бири эса хотинидан эрининг калтаклашларидан шикоят қилапти...

Энди ўйлаб кўрайлик, орамизда ажрашувлар, ноқонуний турмушлар борлигини аввал билармидик? Ноқонуний турмуш қурган қиз қайнонасининг синовларига 10 йил сабр қилса, ундан

кейин ўғли билан қонуний яшашга руҳсат берар экан. Қонун эмас, қайнонанинг гапи кучлироқ эканми? Шу каби содда қизлар юртимизда яна қанчадан-қанча?

Маълумотларга қараганда, 2019 йил ажрашишлар сони 31,4 мингга етган, 2020 йилда эса 28,2 мингга ташкил қи-

ни "Сен юртимизни шарманда қилдинг, уят!" деган изоҳлар билан эмас, аксинча, ҳаётда яхши яшаши учун мотивация беришимиз, ёшларга турмушнинг мушти борлигини, сабр билан барчасини енгиш мумкинлигини ўргатишимиз, "молпараст" қайнона-қайноталарни тартибга чақиритишимиз зарур.

Масалан, мен кенжа фарзандман. Оиламизда ўғил йўқ. Дадам икки йил бурун вафот этган. Қайси юзим билан онамни ёлғиз қолдириб турмушга чиқиб кетишим мумкин? Мен каби фарзандлар республикамизда минглаб топилади. Ва бу кабилар студияга ота-онасини ҳам олиб келишга ётганининг гувоҳи бўляпман. Динимизда ҳам фарзанд бева отаси ёки онасидан уч маротаба турмуш қуришини сўраш фарз эканлиги ёзилган. Мана шундай вазифаларни бажаришга баҳоликудрат киришган дастур ижодкорларини қийишимиз ноўрин бўлса керак, албатта.

Рухшона КАРИМОВА,  
ЎзЖОКУ талабаси



## ҚАЙНОНАНИНГ ГАПИ ҚОНУНДАН УСТУНМИ?

лади. Бу рақамлар "Ёр-ёр" дастурига чиқиб халқ тили билан айтганда, "эр ёки хотин топиб берадиган кўрсатув"дан кўра кўпроқ ўзбекчилигимиз учун иснод ва шармандагарчилик эмасми? Ўзига бахт, турмуш йўлини ёритувчи сафдош топаман, кейинги ҳаётим гўзалроқ бўлади, деб сўниб бўлган умидини қайта алангалатиб, чиққан йигит-у қизлар-

ҚИСҚА САТРЛАРДА ЎҚИҢГ!

Наманганда гигант ошқовоқ пишиб етиляпти



### Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

### Таҳрир ҳайъати:

Адҳам Бекмуродов  
Акмал Саидов  
Ақтам Ҳайитов  
Нарзулло Обломуродов  
Адҳам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-508

Адади: 2016.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Дилбар Маҳмудова

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32. Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiyat@mail.uz

Газета индекси — 131

"ЖАМИЯТ"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

ЎЗА якуни:

Топширилган вақти: 17:05

1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 29 июль куни чиқади

# ВЕТЕРИНАРИЯ ЙЎНАЛИШИ ТАКОМИЛЛАШУВ ЙЎЛИДА



**Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда барча соҳалар қаторида ветеринария йўналиши ҳам тубдан ислоҳ қилиниб, мамлакатда ветеринар осойишталикни таъминлаш ҳамда аҳолининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжи учун етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш борасида янгидан-янги марралар забт этилди.**

**Ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, бугун Ўзбекистонда ветеринария хизмати тубдан ислоҳ қилиниб, соҳа тараққиёти янги босқичга олиб чиқилди.**

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, соҳани ривожлантириш юзасидан сўнгги беш йилда Президентнинг 2 та фармони, 6 та қарори, 4 та мажлис баёни ва Ҳукуматнинг 30 га яқин қарорлари қабул қилинди. Соҳага оид 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Сўнгги беш йил мобайнида Бутун Жаҳон ҳайвонлар соғлигини ҳимоя қилиш ташкилоти билан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўзaro манфаатли ҳамкорлиги мустақамланиб борилмоқда.

Ветеринария ва чорвачилик соҳаси бўйича ҳар бир жараёни такомиллаштиришда энг аввало рақамлаштириш, инсон омилини максимал даражада қисқартириш ва шаффоф шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, ветеринария соҳасига ахборот тизимларини жорий этиш бўйича Қўмитанинг “ВИС” ахборот платформасини яратиш бўйича мақсадли режа қабул қилинди.

Ушбу платформада 20 га яқин ахборот тизимларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Бугунги кунда ахборот тизимларининг 9 таси амалиётга жорий қилинган.

Ветеринария хизматларининг кўрсатилишини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 майдаги “Ветеринария фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан Ветеринария фаолиятини лицензиялаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Шунингдек, VIS-LICENSE — давлат хизматларини кўрсатиш учун электрон ҳужжат алмашишни таъминловчи ветеринария фаолиятини лицензиялаш ахборот тизими ишлаб чиқилди. Ва бу ахборот тизимида ветеринария хизмати кўрсатувчилар реестри шакллантирилмоқда.

Бундан ташқари мамлакатимизда Сўйиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш, фермер хўжаликлари ва уй шароитида сўйишни камайитириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Республикада аҳолини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини кучайтириш мақсадида 2019 йил 8 майдаги “Ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш ҳамда истеъмол бозорига гўшт ва гўшт маҳсулотларини етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарор билан Ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари учун ветеринария, ветеринария-санитария норма ва қоидалари; Ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хомашёлари ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш бўйича ветеринария-санитария норма ва қоидалари;

республика ҳудудларида ҳайвонларни сўйиш ва терига бирламчи ишлов бериш бўйича ташкил этиладиган автоматлаштирилган мажмуалар билан жиҳозланган чорва молларини сўйиш бўйича ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари таш-

кил этиш параметрлари тасдиқланиб, бугунги кунга бундай ихтисослашган сўйиш корхоналари сони 100 дан ошишига эришилди.

Тижорат мақсадларида ҳайвонларни уй шароитларида сўйиш таъқиқланиб, фақатгина ихтисослашган сўйиш корхоналарида сўйиш белгиланди.

Шунингдек, VIS-BILLUR — Ветеринария-санитария жиҳатидан хавфсизлиги кафолатланган сўйилган ҳайвон гўшларининг ягона электрон маълумотлар базаси ахборот тизими яратилиб, айни пайтда Жиззах вилоятида тажриба-синов тариқасида ишга туширилди.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман: мамлакатимизда ҳайвонларни идентификация қилиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Энг аввало, Халқаро эпизоотик бюронинг мустақил экспертларини жалб қилган ҳолда “Ўзбекистон Республикасида ҳайвонларни идентификация қилиш тизимини жорий этиш методологияси” ишлаб чиқилди ва бу методология асосида ишлар босқичма-босқич ташкил этилмоқда.



Жумладан, Қўмита тизимидаги “Ўзбекчорванасл” агентлигида Ҳайвонларни идентификация қилишни ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бўлимлари ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур бошқарма ва бўлимларда ҳайвонларни идентификация қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ барча функционал вазифа ва ваколатлар белгиланди.

Бугунги кунда, VIS-CHINOR ахборот тизимига чорвачилик хўжаликларига тегишли бўлган 160 мингдан ортиқ идентификация қилинган ҳайвонлар тўғрисидаги маълумотлар киритилиб, бу ишлар доимий равишда давом эттирилмоқда.

“Ҳайвонларни идентификация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг муҳокамалардан ўтказилган ҳолда белгиланган тартибда ҳукуматга киритилди.

Республикадаги Ветеринария лабораториялари фаолияти ҳам тубдан такомиллаштирилмоқда. Жумладан, қўмита



тасарруфидаги Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази ҳамда Ветеринария дори воситалари, озиқабоп қўшимчалар сифати ва муомиласи назорати бўйича давлат илмий маркази Ўзбекистон Республикаси Миллий аккредитация тизимида ИСО 17025:2007 стандарти талаблари мувофиқ аккредитациядан ўтказилди.

Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомиласи назорати бўйича давлат илмий марказида сертификатлаштириш органи ташкил этилиб, мувофиқлик сертификатлари расмийлаштириш йўлга қўйилди.

VIS-SAYYOR — Лаборатория текширувлари ягона электрон маълумотлар базаси ахборот тизимининг техник шартлари ишлаб чиқилиб, ахборот тизими яратилмоқда.

Ҳайвонлар соғлигини ҳимоя қилиш ва эпизоотик барқарорликни таъминлаш ҳамда моддий-техник базани мустақамлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, мамлакатда ветеринария хизматини ривожлантириш учун Жаҳон банкининг 2,0 миллион АҚШ доллари ва Европа иттифоқининг 2,0 миллион АҚШ доллари грант маблағлари ажратилди.

Ушбу грантлар доирасида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ҳар бир вилоят учун 1 тадан ветеринария назорати остидаги объектларни дезинфекция ва дезинсекция қилувчи махсус автотранспорт (ДУК), совуткичи автомобиллар (авторефрижатор), 25 та замонавий видеоконференц-лоқа жиҳозлари (камера, микрофон, компьютер, дастурий таъминот, телевизор ва бошқалар), 1 000 дандан ортиқ автомат шприц, ҳамда 24 та чегара ветеринария назорати пунктларига замонавий лаборатор экспресс-анализаторлар (овоскоп, РН-метр, термометр, лактан), крематорийлар харид қилиниб, жойларга етказиб берилди.

Шунингдек, Қўмита ҳузурда ташкил этилган “Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси” ҳисобидан 53 та махсус Дамас автомашиналари, 400 дан ортиқ термосумкалар, 1 000 дан ортиқ вилоспед ва 500 га яқин мототранспортлар таъминот қилиниб, жойларга етказилди.

Чегара ва транспортдаги ветеринария пунктлари 8 турдаги 128 дона ахборот

коммуникация воситалари ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Асосий юклар ҳаракатланувчи 12 та чегара божхона постларида замонавий дезинфекция ускуналарини ўрнатиш режалаштирилиб, бугунги кунга 6 та чегара божхона постларида замонавий дезинфекция йўлакларини тўлиқ ишга туширилди.

Қўмита ва унинг тизимида олиб борилётган ишларни рақамлаштириш ва ахборот тизимларидан фойдаланиш учун 1000 га яқин замонавий компьютер жамланмалари таъминот қилинди.

Ветеринария хизмати кўрсатиш учун шартномаларни оферта шаклига ўтказган ҳолда хизматлар учун тўловларни тўлиқ электрон тарзда, масофадан туриб амалга ошириш йўлга қўйилди.

Яна бир ўта муҳим масалага алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Бу — таълим тизими! Ветеринария соҳасида таълим тизими тубдан янгиланиб, янгидан яратилди десак, муболаға бўлмайди.

Жумладан, Ўзбекистонда ветеринария таълимини янада ривожлантириш ва ветеринария соҳаси бўйича малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Президент қарори билан собиқ Самарқанд қишлоқ хўжалик институти негизида Самарқанд ветеринария медицинаси институти ташкил этилди.

Бугунги кунда Қўмита тизимида 3 та олий таълим, 4 та техникум, 1 та академик лицей ва кадрлар малакасини ошириш маркази ҳамда 3 та илмий-тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда.

Самарқанд ветеринария медицинаси институтида 34 та таълим йўналиши ҳамда 14 та мутахассислик бўйича жами 5 320 нафар талабалар таҳсил олмоқда.

2020/2021 ўқув йилида Хорижий давлатлар (Белоруссия, Латвия) билан ташкил этилган қўшма дастурлар асосида 95 нафар талабалар бакалавр ва магистр йўналишлари бўйича ўқишга қабул қилинди.

Халқаро эпизоотик бюро билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлашни халқаро даражага олиб чиқиш мақсадида Америка Қўшма Штатларининг Миннесота Университети билан Самарқанд Ветеринария медицина институти ўртасидаги 2020-2023 йилларга мўлжалланган Ветеринария таълимининг TWINNING лойиҳаси амалга ошириляпти.

Лойиҳанинг мақсади ўқув дастурларини янгидан ишлаб чиқиш, профессор-ўқитувчилар билим даражасини янгилаш ва таълимнинг биринчи кун ваколатига мувофиқлигини таъминлашдан иборат.

Лойиҳа якунига қўра, ветеринария таълимида бакалаврият ва узлуксиз таълимни такомиллаштириш, ветеринария эпизоотологияси ва озиқ-овқат соҳасидаги замонавий билимлар ва ҳайвонларни идентификациялаш, ахборот технологиялари ва тилдан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистонда ветеринария олий таълимининг 5 йиллик босқичи бўйича янги ўқув режа ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилиши режалаштирилган.

Кўриниб турибдики, Ветеринария ва чорвачилик соҳасида мамлакатимизда сўнгги беш йил мобайнида салмоқли ишлар амалга оширилди.

**Алишер САФАРОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи**